

Ҳикмат чашмалари



09:00 / 21.02.2023 1029

Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий раҳимаҳуллоҳ дедилар: «Динингда турли қарама-қаршилик ва баҳслар тўлқинига тушиб қолсанг, динда собит турганларни ўта қаттиқ тутувчилар дея айблама. Балки, ботқоққа ботиб қолган ўрнингни билиб олиш учун ўз оёғинг остига назар солгин. Ҳаром гарчи уни кўпчилик қилсада, ҳаромлигича қолади. Мабдаъ, эътиқодингдан чиқма, гарчи уни бажараётган ёлғиз ўзинг бўлсада. Уларни қўйгинда, ўзингни ҳисоб қилиш билан машғул бўлгин.

«Уларнинг барчалари У зотнинг ҳузурига қиёмат куни ёлғиз ҳолларида келгувчидирлар», (Марям сураси, 95-оят).

«Буюрилгани» янглиғ истиқоматда бўлгин, «хоҳиш-рағбатинг» бўлгани учун эмас.

Ибн Қоййим Жавзий раҳимаҳуллоҳ дедилар:

«Саодат ва муваффақиятнинг аломатларидандир, қачонки бандада илми зиёдалашса, унинг тавозуъси, раҳмати ва хавфи ва эҳтиёткорлиги ҳам ортиб, зиёдалашади. Ҳар қачон умри зиёда бўлса, дунёга ҳирси, интилиши

камайиб боради. Ҳар қачон мол-дунё, бойлиги ортадиган бўлса, унинг сахийлиги ва қўли очиклиги, эҳсони орта бошлайди. Ҳар қачон қудрати ва имкониятлари орта бошлагани сайин эса, у бандада одамларнинг ҳожатларини чиқариш, ёрдам бериш ва уларга тавозели бўлиши ҳам орта бошлайди. (Табиийки, бу саодат аломатларидандир)». («Фавоид») асаридан.

«Ҳар бир дуо қилувчининг дуоси ижобат қилинади. Лекин ижобат турли нав бўлади. Баъзан унга дуо қилган нарсаси кўз ўнгига тушади, амалга ошади. Баъзан эса бирон ниманинг эвази, ўрни бўлиб тушади» (Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ).

Манба: @arabicuz